

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**О.Р. Самандаров**

*Иқтисодиёт магистри*

### Аннотация

Универсал тижорат банкларида кредитлар активлар ҳажмида салмоғига кўра энг юқори ўринни эгаллайди, шу сабабли, кредитлардан олинган даромадлар уларнинг даромад базасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, кредитларнинг даромадлилик даражасини ўзгариши бевосита банк кредит портфелининг сифатини ўзгаришига боғлиқ. Шу сабабли, кредит портфелининг сифат кўрсаткичларини таҳлили кредитларнинг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Мақолада мамлакат тижорат банкларининг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, кредит, муаммоли кредит, даромадлилик, фоиз ставкаси, фоизли даромад, захира.

### Аннотация

В универсальных коммерческих банках кредиты занимают самый большой удельный вес в объеме активов, поэтому, доходы по кредитам занимает важное место в формировании их доходной базы. В свою очередь, изменение доходности кредитов непосредственно связано с изменением качества кредитного портфеля. Поэтому, анализ качества кредитного портфеля позволяет выявить проблем, связанных с обеспечением доходности кредитов.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением доходности кредитов коммерческих банков страны и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, кредит, проблемный кредит, доходность, процентная ставка, процентный доход, резерв.

### Annotation

In universal commercial banks, loans occupy the largest share in the volume of assets, therefore, income from loans occupies an important place in the formation of their income base. In turn, changes in loan profitability are directly related to changes in the quality of the loan portfolio. Therefore, analysis of the quality of the loan portfolio allows us to identify problems associated with ensuring the profitability of loans.

The article identifies current problems associated with ensuring the profitability of loans from commercial banks in the country and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, loan, problem loan, profitability, interest rate, interest income, reserve.

### Кириш

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади [1]. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни (кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги, кредитларнинг даромадлилик даражасини паст эканлиги, банкларда ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқ.) ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, кредит портфелининг муҳим сифат кўрсаткичи бўлган кредитларнинг даромадлилигини таъминлаш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Н.Валенцева томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаси кўрсатдики, кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади. Бунда, фоизли спред миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаги фоизли маржа ҳисобланади. Банкларда чиқимларни пасайтиришнинг муҳим шarti – бу банк амалиётига банк маҳсулотлари таннархининг мониторингини жорий қилишдир [2].

Уэрта де Сотонинг фикрига кўра, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради; иккинчидан, банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши, пировард натижада, инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлишига ва берилган кредитларнинг қайтмаслигига олиб келади [3].

Е.Литвиновнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан чакана кредитлар бўйича фоиз тўловларини ундиришнинг аннуитет усулини қўлланилиши жисмоний шахсларнинг кредит бўйича тўлов юкини ошишига

олиб келади. Шу сабабли, кредит олувчи жисмоний шахсларга кредит бўйича тўлов усулларини (табақалашган ёки аннуитет) танлаш имконини берилиши фоиз ставкаларининг рағбатлантирувчанлик мазмунини кучайтириш имконини беради [4].

А.Миан ва А.Сафи томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларни қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, цуй хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади [5].

И.Алтман томонидан таклиф қилинган компанияларнинг дефолт рискин баҳолаш моделида уларнинг дефолт бўлиш эҳтимоли қуйидаги беш кўрсаткич бўйича баҳоланади:

- айланма маблағларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи;
- активларнинг рентабеллиги;
- солиқ тўлангунга қадар бўлган фойданинг активларга нисбати;
- капиталнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати;
- тушумнинг активлар суммасига нисбати [6].

Н.Каримовнинг фикрига кўра, инвестицияларни тижорат банклари орқали молиялаштиришдаги муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қимматли қоғозларни гаровга олиш йули билан берилган инвестицион кредитлар бўйича гаров объектини сотишда эҳтимолий йўқотишлар захирасини ссуданинг тўланмаган қийматидан чегириб ташламаслик зарур;

– хорижлик таъминотчилар томонидан сифатсиз ускуна ва механизмлар етказиб берилишининг олдини олиш мақсадида хорижий банклар томонидан етказиб берилган ускуна ва механизмларнинг сифати юзасидан бериладиган кафолатларни олиш лозим;

– инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида олинадиган маҳсулотларни экспорт қилишда шартномани бевосита хорижлик таъсисчи билан тузишни меъёрий ҳужжатлар асосида таъқиқлаб қўйиш лозим;

– Ҳукумат кафолати билан олинадиган халқаро кредитлар ролининг ошиб бораётганлиги, синдициялаштирилган кредитларни жалб этиш ва улардан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича кескин чоралар кўрилиши тақозо этилади [7].

Ф.Холмаматовнинг тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилган ва қуйидаги хулосани шакллантирган: тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича

қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қониқарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача [8].

### Таҳлил ва натижалар


Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг услубиётида тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлар мавжуд:

\*кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси;

\*берилган кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг тижорат банклари активларининг ўртача миқдorigа нисбатан даражаси;

\*муаммоли кредитларнинг портфелдаги чегаравий даражаси [9].

Қуйида АТ “Асакабанк” кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг даражасини баҳолаймиз.



**1-расм. АТ “Асакабанк”да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда<sup>1</sup>**

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, АТ “Асакабанк” кредит портфелида таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси 2019-2023 умумэтироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) баланд бўлган.

**1-жадвал**

**АТ “Алоқабанк”да кредитлардан олинган даромадларнинг жами даромаддаги улуши, фоизда<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан АТ “Алоқабанк”нинг 2019-2023 молиявий йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	827	809	923	1 350	1 707
Жами даромад млрд. сўмда	1345	1480	1633	2335	3392
Фоизда улуши	62	55	57	58	50

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики: АТ “Алоқабанк”да кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2020-2023 йилларда кўпайиш тенденцияси кузатилган; АТ “Алоқабанк”да даромадларнинг миқдори 2020-2023 йилларда кўпайиш тенденцияси кузатилган; АТ “Алоқабанк”нинг жами даромадлари таркибда кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг улуши 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу ҳолат, ушбу даврда фоизсиз даромадларнинг ўсиши ҳисобига юз берган.

2-жадвал маълумотларидан кўрса бўладики, АТ “Алоқабанк” кредит портфелининг миқдори 2019-2023 йилларда кўпайиш тенденциясига эга бўлган.

## 2-жадвал


### АТ “Алоқабанк” кредитлари ва уларнинг даромадлилиги<sup>3</sup>, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Кредитлар, млрд. сўм	5 601	5 705	7 754	9 161	10 293
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	827	809	923	1 350	1 707
1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, %	14,8	14,2	11,9	14,7	16,6

2-жадвал маълумотларидан кўрса бўладики, АТ “Алоқабанк”да 2019-2023 йилларда кредитлар ҳисобига ҳисобланган фоизли даромадлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ҳолат эса, мазкур даврда банкнинг кредит портфелининг ўсиши билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланганлиги билан изоҳланади.

<sup>3</sup> Жадвал АТ “Алоқабанк”нинг 2019-2023 молиявий йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шунингдек, 2021 йилда 2019 йилга нисбатан АТ “Алоқабанк” 1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси сезиларли даражада пассайган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2022-2023 йилларда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган. Бу эса, АТ “Алоқабанк”нинг кредитлари даромадлигини таъминлаш таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи, фоизда<sup>4</sup>**

2-расм кўрсатадики, Ўзбекистон тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши 2021-2023 йилларда нисбатан юқори бўлган.

### Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тижорат банклари кредитларининг даромадлигини таъминлаш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

\*кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади ва бунда фоизли спрэд миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаиғ фоизли маржа ҳисобланади;

\*тижорат банклари томонидан чакана кредитлар бўйича фоиз тўловларини ундиришнинг аннуитет усулини қўлланилиши жисмоний шахсларнинг кредит бўйича тўлов юқини ошишига олиб келади;

\*АТ “Асакабанк” кредит портфелида таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси 2019-2023 умумэтироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) баланд бўлган;

\*АТ “Алоқабанк”да кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори 2020-2023 йилларда кўпайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, жами даромадлар таркибида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг улуши 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) асосида тузилган.

\*АТ “Алоқабанк”да 2019-2023 йилларда кредитлар ҳисобига ҳисобланган фоизли даромадлар миқдорини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда банкнинг кредит портфелининг ўсиши билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланганлиги билан изоҳланади;

\*Ўзбекистон тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши 2021-2023 йилларда нисбатан юқори бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари кредитларининг даромадлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларида кредитларнинг таннархини пасайтириш ҳисобига улардан олинган реал даромадлар миқдорини ошириш мақсадида, биринчидан, инновацион кредит маҳсулотларини (форфейтинг, контокоррент, овердрафт, револьверли кредит) кредитлаш амалиётига жорий этиш керак; иккинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан мажбуриятларга тўланадиган фоизли харажатлар ўртасидаги барқарор нисбатни шакллантириш зарур.

Таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан мажбуриятларга тўланадиган фоизли харажатлар ўртасидаги барқарор нисбат шакллантирилмаган. Хусусан, АТ “Асакабанк”да 2019-2023 йилларда фоизли харажатларнинг фоизли даромадларга нисбатан даражаси ўсиш суръатларини намоён этган.

Шунингдек, АТ “Алоқабанк”да ҳам фоизли харажатларнинг фоизли даромадларга нисбати таҳлил даврида ошиш суръатларини намоён этган.

2. Тижорат банкларида кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўли билан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини камайтириш мақсадида, биринчидан, кредит портфелининг тармоқ хусусиятига ва кредитнинг турларига кўра диверсификация қилишни таъминлаш лозим; иккинчидан, умидсиз кредитларни ўз вақтида банкнинг балансидан чиқариш ва юқори ликвидли таъминотга эга кредитларнинг кредит портфелидаги улушини ошириш ҳисобидан таснифланган кредитларнинг таркибини яхшилаш лозим; учинчидан, кредит портфелининг умумий риск даражаси билан умумий даромад даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 – сонли “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.
3. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.
4. Литвинов Е.О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии. Монография. – Волгоград, 2012. – С. 14.
5. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.
6. Altman E. I. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy//Journal of Finance, 1968, September. – P. 63–69.
7. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 40 б.
8. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.
9. Institute for Economic Development. The World Bank, 1818 H Street, N.W., Washington, D.C., 2020.